

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЛК МУСОБАҚАДА ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МИНТАҚАВИЙ КУБОКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Пойтахтимиздаги Олимпия стадионида “CAFA Nations Cup” турнирининг финал ўйини бўлиб ўтди. Унга Президент Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди.



Финалда Ўзбекистон ва Эрон миллий жамоалари баҳс олиб борди. Асосий вақтда гол урилмагач, қўшимча таймлар белгиланди. Улар ҳам дуранг бўлиб, ўйин пенальтилар сериясига қараб кетаётган пайтда Ўзбекистон ғалаба голини киритди.

120-дақиқада қанотдан оширилган тўпни Ҳожиақбар Алижонов боши билан рақиб дарвозасига йўллади.

Шу тариқа Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2025 йилги “CAFA Nations Cup” голиби бўлди.

Музаффар футболчиларимизга олтин медаллар ва кубокни Президентимиз Шавкат Мирзиёев топширди. Тақдирлаш маросимида FIFA раҳбари Жанни Инфантино ва бошқа расмий шахслар ҳам иштирок этди.

Ушбу кубок ўйинлари жаҳон чемпионатига чиққан футболчиларимиз учун яхши тайёргарлик вазифасини ўтади. Яна бир қувонарли томони, миллий терма жамоамизнинг Эронга қарши 13 йиллик ғалабасиз сериясига яқун ясалди. 2023 йилда ўтказилган биринчи шундай мусобақада ҳам Ўзбекистон финалда айнан Эронга 0:1 ҳисобида ютказган эди.

CAFA — Марказий Осиё футбол ассоциациясидир. CAFA кубоги ҳар икки йилда ўтказилади. Бу йилги мусобақада, шунингдек, Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ҳиндистон, Ўмон терма жамоалари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, бу мусобақа яқинда қуриб битказилган Олимпия шаҳарчасида ўтказилган илк халқаро турнир бўлди ва мамлакатимиз спортчилари учун ғалаба билан бошланди. Бунда рамиш маъно ва хайрли тилаклар намоён бўлди. Бундай стадионлар, спортга қаратилаётган эътибор юртимизга доим ғалабалар олиб келарверсин.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФИФА БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) раҳбари Жанни Инфантинони қабул қилди.

Сўхбат аввалида ФИФА президенти Ўзбекистон етакчилиги ва халқини тарихий воқеа — миллий терма жамоамиз 2026 йилда АҚШда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўланмани қўлга киритгани билан яна бир бор самимий табриклади. Ушбу ҳақли ютуқ мамлакатимизда олиб борилаётган самарали ислохотлар, спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ҳар томонлама кўмакнинг амалий натижаси экани таъкидланди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли халқаро тузилма билан, энг аввало, футболни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёш истеъодларни юзага чиқаришга кўмаклашиш, мураббийлар, ҳакамлар, менежерлар, спорт

шифокорлари ва техник мутахассисларни халқаро даражада тайёрлаш борасидаги сермахсул ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Футболни, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида оммалаштириш бўйича қўшма дастурларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ФИФАнинг техник кўмагида замонавий Миллий футбол маркази, шу жумладан, инновацион ечимларни жорий этган ҳолда рақамли футбол бўйича ситуацион марказ ташкил этилди.

Ўтган йили мамлакатимизда футбол бўйича жаҳон чемпионати муваффақиятли ўтказилди.

Ўзбекистонда ФИФАнинг йирик мусобақалари ва тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳрида ФИФАнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий офисини очиб юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти ўзбек футболни ривожлантириш ва халқаро майдонда илгари суришга қўшган шахсий ҳиссаси учун ФИФА раҳбари Жанни Инфантинога давлатимизнинг юксак муқофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

ЎЗА

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОХОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

АМЕРИКА ҲАМДА КАНАДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида 5 сентябрь куни бўлиб ўтган телефон мулоқоти Америка ва Канаданинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди.



Жумладан, Американинг “Associated Press USA”, “American Business Times”, “NATO News”, “WTO News”, “IMF News Today”, “World Politics Report”, “Governmental Daily Review”, “Investor Worldreview”, “Global Politics Reporter”, “American Financial Tribune”, “The Government Digest”, “Political Updates Today”, “The America Watch”, “American Times Reporter”, “US National Times”, “America News Observer”, “International World Times”, “American Business Times” ва “One World Daily Brief” нашрлари давлат раҳбарлари Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш

ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг амалий жиҳатларини атрофлича кўриб чиққанлари ҳақида ёзди.

“Мақолаларда АҚШ Президенти кейинги йилларда амалга оширилаётган, иқтисодийetni модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ортга қайтмас ислохотларни юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлашини билдиргани урғуланган.

“Мулоқот чоғида устувор тармоқларда ишибилармонлик бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш, товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди”, дейлади манбаларда.

АҚШ ОАВлари таъкидига кўра, сўнгги йилларда ўзаро савдо кўрсаткичларида барқарор ўсиш кузатилмоқда. 2024 йилда товар айирбошлаш 15 фоизга ўсди, истиқболли ҳамкорлик лойиҳалари портфели фуқаро авиацияси, муҳим минерал ресурслар, электротехника саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия сектори, инновациялар,

таълим ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олди.

Канаданинг етакчи оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон ва АҚШ Президентларининг телефон орқали мулоқотини кенг ёритди. Масалан, “Political Journal: Canada”, “Canadian Business Today”, “The Canada Finance Journal”, “News from Canada” ва “Canada News Journal” каби нашрлар мазкур сўхбат чоғида бўлажак учрашувлар муҳокама қилингани, шу ойда АҚШнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик алоқаларини ўрнатishi учун музокаралар олиб борилишини маълум қилди.

“Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизлик соҳасида, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм, ноқонуний миграцияга қарши курашда самарали ҳамкорлик қилмоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда, хусусан, Тошкентда АҚШнинг етакчи университетларининг филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда”, деб ёзади Канада ОАВ.

“Дунё” АА Вашингтон

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМНИНГ БАРЧА БЎҒИНЛАРИ ИЗЧИЛ ТАКОМИЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 сентябрь куни таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда таълимнинг барча бўғинлари изчил ривожлантирилмоқда. Янги таълим масканлари қурилиб ва замонавий жиҳозланиб, ёшларнинг билим олишига барча шароит яратилмоқда. Ўқув дастурлари янгиланиб, энг илгор тажрибалар жорий этилмоқда.

Лекин бу узлуксиз жараён. Иқтидорли болаларга ихтисослашган билим бериш, ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, касба йўналитириш доимий эътиборни талаб этади.

Тақдимотда шу борадаги режалар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари баён қилинди.

Маълумки, маънавий-тарбиявий ишлар таълимнинг бир қисми. Аммо ҳозирда таълим муассасаларида бундай тадбирларга турлича ёндашиб келинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг иқтидори ва истеъодини юзага чиқаришда ахил тизим йўқ.

Шу боис, болалар боғчасидан олий таълимгача қамраб олган ягона миллий гоа концепцияси ишлаб чиқилди. У маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий режаси бўлади. Натижада бундай ишлар тартибли ва савияли ташкил этилиб, ўқувчилар ортиқча тадбирларга жалб этилмайди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг иқтидори ва интилишини юзага чиқариш бўйича ҳам ягона вертикал тизим жорий этилади. Шу мақсадда “Баркамол авлод” болалар мактаби, Республика ўқувчи ёшлар маркази ҳамда “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти негизида “Келажак” марказлари ташкил этилади. Ўқувчиларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича мактаб маслаҳатчиси лавозими жорий қилинади.

Сўнгги саккиз йилда боғчаларда ўринлар сонин 2,5 миллионга кўпайтирилиб, мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етди. Бу қамровини ошириш мақсадида ҳар йили 20 минг ўрин очиб режалаштирилган.

Бунинг учун янги кўп қаватли уйлар қурилишида улардаги аҳоли сонига мутаносиб мактабгача таълим ташкилоти ҳам бўлиш назарда тутилди. Боғчаларда ишлаётган ўрта махсус маълумотли мутахассислар учун дуал таълим ва малака ошириш тизими жорий этилади.

Мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман ва шаҳарларда хусусий сектор иштироки қўллаб-қувватланади. Хусусан, боғча ва мактабларнинг бўш майдонларида давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти қуришга рухсат этилади. Тадбиркорларга фаолиятини ўзгартирмаслик шарти билан ер участкалари бепул берилади ҳамда 7 йилгача бўлган имтиёзли кредит ажратилади.

2026-2028 йилларда республиканинг 14 та ҳудудида Болаларни ривожлантириш инновацион марказини ўз ичига олган

“Янги авлод” мактабгача таълим ташкилотлари тармоғи ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиёт тармоқларининг ҳазирги ва келгуси талабидан келиб чиқиб, техника ва муҳандислик йўналишларини ривожлантириш вазифасини қўйган эди. Шунга мувофиқ, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида 14 та ҳудудда муҳандислик мактаблари ташкил этилмоқда. Ушбу мактабларга болалар имтиҳон асосида саралаб олинади ва Давлат бюджети ҳисобидан ўқитилади. Уларда “Янги Ўзбекистон” университети ва Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб тажрибаси асосида муҳандислик таълим дастури жорий қилинади. Ўқув жараёни 5 йиллик дастур асосида STEM модели бўйича ташкил этилади.

2026 йилдан бошлаб, ҳар йили умумтаълим мактаблари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Илгор муҳандислик мактаби” миллий танлови ўтказилади.

Шунингдек, табиий фанларни ўқитишни яхшилаш мақсадида барча ҳудудларда ихтисослаштирилган мактаблар ташкил қилинади. Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги мактаб бу йўналишда таянч мактаб сифатида хизмат қилади.

Тошкент шаҳрида Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиали, “ToshTech” техника университети ҳамда Олмалиқ давлат техника институтини очилади.

Яна бир янгиллик ўқитувчиликка меҳр қўйган ёшларни рағбатлантиришга қаратилган. Ҳозирги кунгача бу соҳада алоҳида давлат стипендияси йўқ эди.

Шу боис, жорий ўқув йилидан бошлаб, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг талабалари учун Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси ташкил этилмоқда. Стипендия бакалавриятнинг 3-4-курслари учун бўлади, ёшларни ўқиш ва илмий изланишларга ундайди.

Йиғилишда фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тақдимот қилинди.

Олий таълимдан кейинги таълим тизимида илмий даражали кадрларни тайёрлаш тартиблари такомиллаштирилди. Жумладан, докторантурага ажратилаётган квоталар мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб белгиланади.

Фанлар академиясининг республикада истиқболли илмий йўналишларини ривожлантириш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, илмий ишларна натижаларини амалиётга татбиқ этишдаги ўрни кучайтирилади.

Давлатимиз раҳбари билдирилган тақлифларни маъқуллаб, тегишли ҳужжатларни имзолади. Улардаги вазифалар ижросини тизимли ва сифатли таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА ХИТОЙ БИЛАН БУНДАЙ ЮҚОРИ МУНОСАБАТ ЎРНАТГАН БИРИНЧИ МАМЛАКАТ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 30 август – 3 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф доирасида 2 сентябрь куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Президенти ва Хитой Раисининг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давоми 3-бетда

Давлатларимиз раҳбарлари ўтган йилларда икки томонлама муносабатлар ривожига катта ютуқларга эришилганини таъкидлади. Барча даражалардаги алоқалар суръати ошиб бораётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб,



муҳим масалалар юзасидан томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь мазкур ташрифнинг аҳамияти ва унинг доирасида имзоланган муҳим ҳужжат ва битимлар

“**Ҳозир мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шерикликнинг янги даври деб атасак бўлади.**”

хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мазкур ташрифни ҳақиқатан тарихий аҳамиятга эга деб аташ мумкин. Энг муҳими, ташриф давомида эришилган натижалар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариш, халқаро

ҳамкорлигимизни демократия йўналишида янада самаралироқ босқичларга олиб чиқишга имкон яратди.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари доимо юқори даражадаги ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлаш билан ажралиб турган. Ташриф доирасида бўлиб ўтган учрашувада етакчиларимиз бу борада яна бир бор келишиб олди. Томонлар бундан кейин ҳам халқаро ва минтақавий масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Томонлар ўз тараққиёти, иқтимоий-иқтисодий ривожланишида бир-бирига ҳар жиҳатдан ёрдам беради.

Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазам мулоқот қилиши, ўзаро ташриф ва учрашувлари натижада халқларимиз ўртасида турли соҳалардаги алоқалар мутлақо янги босқичга чиқди.

Ўтган йиллар давомида икки томонлама муносабатлар ривожига катта ютуқларга эришилди. Барча даражалардаги алоқалар суръати ошиб бораётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, муҳим масалалар юзасидан томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Савдо-иқтисодий, технологик ва молиявий-инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 14 миллиард доллардан ошди, йил бошидан эса яна 23 фоиз ўсди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш орқали бу кўрсаткични 20 миллиард долларга олиб чиқиш мақсад қилинган.

Инвестиция лойиҳалари портфели 60 миллиард доллардан зиёдин ташкил этмоқда. 2024 йилда умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ 64 та лойиҳа ишга туширилган.

Натижада бугунги кунда ҳамкорлигимиз деярли барча соҳаларни қамраб олган ва етакчиларимиз ушбу ҳамкорликни янада ривожлантириш учун аниқ режани белгилаб берди. Ташриф доирасида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳамкорликни

мустаҳкамлашга оид ҳужжатлар алмашилди. Шунингдек, маданият марказлари ташкил этиш бўйича битим ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

Томонлар иқтисодиёт, бозор назорати, рақамли иқтисодиёт ва космик тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорликка оид бошқа ҳужжатларни ҳам имзоллади. Бу эса муносабатларимиз энг қулай босқичда, тарихдаги энг яхши даврида эканидан далolat беради.

Ҳозир Хитой Ўзбекистондан юқори сифатли маҳсулотларни импорт қилмоқда. Масалан, юртингиз гилослари ҳозир Хитой бозорига энг талабгир маҳсулотлардан саналади. Шунингдек, қуруқ мевалар ҳам. Хусусан, мош ҳар йили катта ҳажмда Хитойга экспорт қилинмоқда.

Сирдарё вилоятида компаниямиз икки-уч йилдан буён узлуксиз мева ва пахта етиштириш устида фаолият юритмоқда. Шу боис, бу борада ижобий тажриба ва амалиёт тўпланмоқда. Бу эса келгусида қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлади.

Бундан ташқари, Хитойдан саноат маҳсулотлари ҳам олиб келинмоқда. Шу боис, назаримда, етакчиларимизнинг оқилона раҳбарлиги, идораларимизнинг самарали саъй-ҳаракатлари ва энг асосийси, компанияларимизнинг фаол иштироки туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми тобора ортиб бормоқда, амалий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Етакчиларимиз жуда яқин алоқаларни қўллаб-қувватлайди. Ҳар йили ҳеч бўлмаганда бир-икки марта учрашиб, самимий мулоқот қилади ва алоқаларни янада фаоллаштириш учун янги йўналишлар белгилаб берилади.

Минтакаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари ҳам самарали ишламоқда. Ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатдорлик ва тенглик тамойилига асосланади. Фикримча, фақат ана шу тамойил асосида ҳамкорлик барқарор бўлиши мумкин.

Ҳозир мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шерикликнинг янги даври деб атасак бўлади.

Очигини айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон минтақада Хитой билан бундай юқори муносабат ўрнатган биринчи давлатдир.

Бу эса Хитой дипломатияси учун ҳам, Ўзбекистон дипломатияси учун ҳам муносабатларимизнинг ўзига хослигини кўрсатади. Ўз навбатида, доимо бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва икки мамлакатнинг умумий келажагини биргаликда барпо этиш учун изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширишни англатади.

Халқаро форум олдидан



Қаҳрамон САРИЕВ,
Миллатлараро муносабатлар ва хориқдаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раиси

Инсонга берилган энг буюк неъмат ҳаёт бўлса, башариёт ҳамisha интилиб яшаган энг улуг мақсад, шубҳасиз, тинчлик-тотувликдир. Бир-биримизга доим оқшошталик, хотирjamлик, соғлиқ-омонлик тилашимизнинг боиси ҳам шунда.

Ўзбекистон азалдан бағрикенглик, ҳам-жихатлик ва аҳил-иноқлик кўрғони бўлган. Ери, суви, тўй-маъракаси бир бўлган турли миллат ва элат вакиллари асрлар оша ҳам-жихат, бирдам яшаб келган. “Бағрикенг Ўзбекистон”, “Бағрикенг Ўзбек халқи” каби иборалар бежиз пайдо бўлмаган.

Кўп миллатли ва кўп динли давлатда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик барқарорлик ва тараққиётга мустаҳкам замин ҳозирловчи, унинг истиқболлини белгилаб берувчи муҳим омил.

Бугун Ўзбекистон жуда теж ривожланиб, ислохотлар ўз мевасини бераётгани, эл-юрт фаровонлиги тобора ортаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётганидир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва аънаёлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Президентимиз юртимиз заминида қадимдан давом этиб келаётган иқтисодий сабабларидан бири ҳам юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётганидир.

Бугун Ўзбекистон жуда теж ривожланиб, ислохотлар ўз мевасини бераётгани, эл-юрт фаровонлиги тобора ортаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётганидир.

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК БЕБАҲО ХАЗИНА

Президентимиз 2023 йил 8 май кун Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувда нутқида “**Бизнинг энг катта бойлигимиз — Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган кўп миллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни — мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир**”, деб таъкидлаган эди.

Янги Ўзбекистонда аждоқлар маънавий меросига содиқлик асосида миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ҳамда бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият ҳаётининг барча жабҳасида кенг қўлланма ислохотлар бошланиши билан миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар йўналишида ҳам туб ўзгаришлар бошланди. Чунки бу юртда кўп миллатлилик шунчаки рақам эмас, балки мамлакатнинг стратегик бойлиги сифатида кўрилади.

Шу маънода, Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Умуммиллий тотувлик ва хориқдаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориқдаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хориқдаги мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизига Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориқдаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ташкил этилди.

Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ягона фуқаровий ўзлики шакллантириш, барча миллат ва элатларнинг умуммиллий тараққиётга дахлдорлигини кучайтириш, хориқдаги ватандошларнинг миллий ўзлигини сақлашга қўмаклашиш ҳамда иқтимоий-иқтисодий салоҳиятини Ватанимиз ривожига сафарбар этиш, миллатлараро тотувликка салбий таъсир кўрсатувчи омилларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга қўмаклашиш қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, умуммиллий бирдамликни таъминлаш ва хориқдаги ватандошлар билан алоқалар жабҳасида давлат сиёсати концепцияси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда киритиш топириги берилгани учун йўналишдаги ишлар бундай буён ҳам изчил давом эттирилишидан далolat беради.

Ушбу ҳужжатлар асосида бугун тизимли ишлар бажарилмоқда. Аввало, умуммиллий тотувликнинг муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистонда истиқомат қиладиган турли миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одатлари, қадрият ва аънаёларини сақлаш ҳамда ёш авлодга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларни тизимли бажаришда миллий маданий марказларнинг ўрни жуда муҳим. Ҳозир мамлакатимизда 157 та

ва идоралар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой каби давлатлардан меҳмонлар, шунингдек, 30 та давлат ва халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари ушбу павильоннинг барпо этилиши ноёб ҳодиса экани, Ўзбекистонда яшаб келаётган миллатлар ва элатларнинг ўз маданияти, урф-одати ва аънаёларини сақлаб қолиши ҳамда ривожлантириши учун яна бир улкан имконият эшиклари очилганини таъкидлади. Шунингдек, бу павильон мамлакатимизда миллатла-

ва диний конфессиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари бўлган юртдошларимиз “Халқлар дўстлиги” кўрак нишонини билан тақдирланди.

Албатта, ушбу юртдошларимиз келгуси фаолиятида ҳам миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик элчиси бўлиб, юртимиздаги бирдамлик ва тинчлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида янада фидокорона меҳнат қилишига ишонамиз.

Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли хориқда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ақидан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳалардан бири “Uz Global Think” форумидир. Ушбу



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

раро тотувлик ва умуммиллий ҳамжиҳатлик борасидаги улкан ислохотларни ўзида тўла ифодалаш, ўзаро маданий алмашинув маъдони вазифасини бажариши қайд этилди.

Жумладан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Аккио Фужи Ўзбекистонда турли халқлар ва маданиятларга ҳурмат-эътиборни юксак қадрлаш, миллий маданий марказлар павильонини очилиши ҳақиқий инсоний ва илгор гоа эканини айтди.

Халол меҳнати, ватанпарварлиги билан Ватанимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳар хил миллатга мансуб юртдошларимиз жуда кўп. Улар давлат ва жамоат ташкилотларида турли масъул лавозимларда самарали меҳнат қилмоқда, юртимизда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳар йили Халқлар дўстлиги куну муносабати билан ана шундай юртдошларимиздан бир гуруҳини “Халқлар дўстлиги” кўрак нишонини билан тақдирлаш эзгу аънаъига айланган.

Бу йил ҳам мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, турли миллатлар ўртасида дўстлик, бирдамликни таъминлашга алоҳида хизмат кўрсатаётган 50 га яқин давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар

лойиҳа тадбиркорлик платформаларини яратиш, жамият ҳаётини иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экологик барқарорлик, сифатли таълим каби масалаларда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида экспертлик ва илмий доиралар вакиллари бўлган хориқдаги ватандошларнинг доимий мулоқоти кўри-нишида амалга оширилди.

Шунингдек, академик доирадаги шахслар, уларнинг ҳаёт йўли, муваффақияти, янги Ўзбекистон тарбиясига хизмат қиладиган тавсияларидан иборат мақолалар жойлаб бориладиган “Who is Who” лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, БМТ Тараққиёт дастурининг “Хориқдаги ватандошлар орқали биланларни трансфер қилиш” дастури намунасида хориқдаги ватандошларнинг янги Ўзбекистон иқтисодий қудратига қўшаётган ҳиссасини янада ошириш мақсадида инновацион иқтимоий-иқтисодий ривожланишга экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган инсон капитали трансфери амалга оширилмоқда.

Хориқий олий ўқув юр்தларини битириб, ўша давлатда яшаб, ишлаётган ватандошларни бирлаштирувчи, қўллаб-қувватловчи “Ўзбекистонлик битирувчилар” дастури ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз олдимизга қўйган ушбу вазифаларнинг барчаси хориқдаги ватандошлар иштирокида мамлакатимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Инсоннинг энг муҳим эркинликларидан бири, шубҳасиз, виждон эркинлигидир. 2021 йилда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши дин эркинлигини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун бағрикенглик тамойилларини, барча конфессиялар фаолияти учун барқарор ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади.

Ҳозир Ўзбекистонда 2373 та диний ташкилот фаолият юритади. Шундан 2174 таси исломий ва 199 таси нонисломий диний ташкилотдир. Сўнгги саккиз йилда республика бўйича 130 та диний ташкилот, жумладан, 3 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 105 та масжид ҳамда 25 та турли конфессияга тааллуқли нонисломий диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди. Янги масжид, христиан черкови ва ибодатхоналари қурилди, мавжудларга таъмирланди. Бу эса барча конфессияларга ҳурмат кўрсатишнинг амалдаги тасдиғидир.

Шу билан бирга, жорий йил 25 февралда тегишли қонун билан Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси қабул қилингани жамият ҳаётида катта воқеа бўлди деб айтишга етарли асосларимиз бор.

Жорий йил 10-13 сентябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Декларациялар мулоқоти” II халқаро форуми ўтказилди.

Биринчи “Декларациялар мулоқоти” форуми 2022 йил майда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган эди. Беш кун давом этган форумда қатор хориқий давлатлардан етук олимлар, шунингдек, соҳага оид маҳаллий давлат идоралари, диний ташкилотлар вакиллари қатнашган. Уша анжуман якуни бўйича қабул қилинган Бухоро декларацияси кейинчалик БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тан олинган. Бу эса турли миллат вакиллари, турфа дин ҳамда этникотда мансуб инсонлардан иборат бағрикенг жамиятни шакллантириш бўйича Ўзбекистон модели нақадар муҳимлигини тасдиқлайди.

“Декларациялар мулоқоти” форуми мунтазам ўтказилиши, унда хориқий ҳамда халқаро ташкилотлардан нуфузли иштирокчилар қатнашиши Ўзбекистоннинг этиқод эркинлиги ва конфессиялараро тотувлики таъминлашга қаратилган сиёсати дунё бўйлаб юксак эътироф этилаётганидан далolat. Бундан ташқари, II форум мамлакатимизнинг динлараро мулоқотни юқори қадрият даражасига кўтариш мақсадида очиклик тамойилига, диний бағрикенглик ва толерантлик муҳитини ривожлантиришга содиқлигини тасдиқлайди.

“Декларациялар мулоқоти” форуми мунтазам ўтказилиши, унда хориқий ҳамда халқаро ташкилотлардан нуфузли иштирокчилар қатнашиши Ўзбекистоннинг этиқод эркинлиги ва конфессиялараро тотувлики таъминлашга қаратилган сиёсати дунё бўйлаб юксак эътироф этилаётганидан далolat. Бундан ташқари, II форум мамлакатимизнинг динлараро мулоқотни юқори қадрият даражасига кўтариш мақсадида очиклик тамойилига, диний бағрикенглик ва толерантлик муҳитини ривожлантиришга содиқлигини тасдиқлайди.

Сўзимизни Президентимизнинг 30 июль — Халқлар дўстлиги куну муносабати билан байрам табриғидаги қўйидаги сўзлар билан якунламоқчимиз:

“Дўннинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низолар давом этаётган хозирги ўта таҳликланган шароитда ягона Ўзбекистон гоёси асосида энг катта бойлигимиз — юртимиздаги оқшошталик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрландадиган барча миллат ва конфессиялар вакиллари ҳамда хориқдаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Конституция ва қонунларимиз талаблари асосида ҳамма жойда қатъий ҳимоя қилиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”.

СОҲА ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Хорижга саёҳатга борган бир қариндошимиз яқинларни жамлаб, олиб келган совға-саломини бирма-бир улашди. Оиламизга аталганлари орасидан 100 фоиз пахтадан тикилган эркаклар кўйлагини ушлаб кўраётиб, товар ёрлиғига кўзим тушди — “Made in Uzbekistan”. Э қойил! Ўзимизнинг маҳсулотимиз табаррук бўлиб хориждан келибди, тадбиркорларнинг отасига раҳмат, дедик. Кўйлакнинг сифати чет элникидан қолшмайди. Агар ўша ёзув бўлмаса, чиндан ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилганига ишонмайсиз.

Ҳа, бугун миллий тўқимачилик саноати сезиларли даражада ривожланди. Тадбиркорларнинг шашти баланд, бу борадаги экспорт салоҳияти йилдан йилга ошиб борапти. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари жорий йил 13 август кuni тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича ўтказган видеоселекторда тўқимачилик мамлакатимиз иқтисодиётининг 3 фойзини, саноатнинг 14 фойзини яратаётган йирик тармоқ эканини эътироф этди. Айни йўналишда 500 миллион ортқ одам иш билан банд экани, сўнгги беш йилда 3,5 миллиард долларлик 396 та кор-

қилинди. Бундан руҳланган соҳа вакиллари фаолиятининг янги босқичига бел боғлади, десак муболага бўлмайди.

Барқарор рақобат бўлади

15 давлатнинг йирик брендлари билан ҳамкорликда ишлаётган “Чуст текстиль” корхонаси жорий йилнинг шу пайтга қадар 20 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда юқори натижа.



хона ишга туширилгани ва ишлаб чиқариш қиймати 10 миллиард долларга етгани фахр уйғотади.

Давлатимиз раҳбари 200 дан ортқ тўқимачилик корхонаси вакиллари билан учрашувда соҳага онд 7 триллион сўмлик ташаббусларни эълон қилди. Тадбиркорлар билан шу йил 20 августдаги мулоқотда эса тез кунларда тўқимачиликда “ишончли экспортчи” дастури бошланиб, экспортдаги молиялаш тизими йўлга қўйилиши ва бунинг учун 200 миллион доллар йўналтирилиши маълум

Президентимиз 2021 йили мазкур корхонага ташрифи чоғида ангар усулидаги қурилишни юқори баҳолаб, янада кўп иш ўринлари очиш вазифасини берганди. Айни пайтда корхонада 1800 га яқин ишчи-хоним ишлаяпти. Узоқдан қатновчилар учун ётоқхона, фарзандлари учун болалар босчаси қурилган. Ишчи кучини йўқотмаслик мақсадида янги фарзандли бўлган оналар учун ҳам қўлайлик яратилган — чилласи чиққан чақалоқни парваришлайдиган тарбиячилар бор. Мактаб ёшидаги болалар



Бугуннинг гапи

учун эса мактабга тайёрлов курслари очилган. Барчаси фабрика ҳисобидан.

— Корхонамиз бир қанча халқаро сертификатга эга. Уларни қўлга киритишда давлатимизнинг хизмати катта бўлди. Чунки сертификатлар арзон турмайди. Президентимиз шунини ўйлаган ҳолда биз, тадбиркорларга бу борада катта ёрдам беряпти. Яна 300 дан зиёд тадбиркорга аини шу масалада қўмаклашиладиган бўлди, — дейди корхона раҳбари Жамшид Исмагуллаев. — 20 йиллик тажрибада фаолиятимиз билан боғлиқ жуда кўп инқирозни кўрганман. Чунки тўқимачилик соҳасида жиддий муаммолар бор. Корхона ўз имконияти билан уларни енгиб ўтиши қийин. Шу маънода, Президентимизнинг соҳага онд 13 августдаги йиғилиши қизгин кайфиятда ўтди, десам муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг 200 дан зиёд тадбиркорни эшити, фикрини ўргангани бежиз эмас.

Тадбиркорнинг айтишича, аҳолининг камбағал қатламини иш билан таъминлагани учун хориждаги текстиль корхоналарига алоҳида эътибор қаратилади ва ёрдам берилади. Шу боис, ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан маҳаллий товарлар нархида тафовут пайдо бўлади, натижада ўзбек ишбилармонлари ютқазади. Навига қараб, пахтанинг дунё бозорида 10-20 фоиз қимматлиги ҳам асосий сабаблардан. Зеро, маҳаллий текстиль корхоналари асосан пахтага эътибор қаратган. Аксарият компаниялар вискоза, полиэстер, полиэфир толасидан маҳсулот тайёрлайди. Маҳаллий тадбиркорлар эса буларни импорт қилиши, бож тўлаши ҳисобига маҳсулотнинг таннархи янада қиммат-

лашиб кетарди. Бундан ташқари, бир қанча шартлари ҳам бор эди. Уларни аксарият корхоналар бажара олмаётгани туфайли тайёр маҳсулот нархи 10-15 фоиз ошиб кетаётган эди. Давлатимиз раҳбари шу каби бир қанча муаммоларни ҳал қилиб берди. Чет элдан импорт қилинадиган кимёвий толаларга қўйилган импорт божни 2028 йилгача олиб ташлашни тадбиркорларни бениҳоя қувонтирди. Зеро, энди Жамшид Исмагуллаев сингари тадбиркорлар бемалол матонин ўзимизда қайта ишлаб, миқдорларига ҳам пахта, ҳам сунъий матодан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақлиф қила олади.

Имтиёزلарнинг аксарияти шартсиз ёки шартли тарзда бериляпти. Бу орқали бир қанча корхоналар ушбу имтиёزلардан фойдалана олади ва нарх анча пасайди, рақобат барқарор бўлади.

Мана шу қўллаб-қувватлаш туфайли ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фойз юқори натижага эришдик. Янги имтиёзлар эса самарадорлиқни янада оширади, — дейди тадбиркор. — Кейинги пайтда соҳа ривожига онд қўллаб йиғилишлар ўтказилапти Хусусан, Савдо-саноат палатаси томонидан 20 га яқин тадбир ўтказилди. Муаммолар тингланди. Биз ҳам ўз ўрнида тақлифлар бердик. Корхонамиз барқарор ишлаяпти, экспорт имкониятимиз бор. Онлайн савдо тизимини ҳам ривожлантирганимиз. “Бизга фаолиятда муаммо бўлган корхоналардан тайёр маҳсулотни олиб, қайта сотишга имкон берилса, аини муддао бўларди”, дедик. Шу кунгача бошқа корхонадан тайёр маҳсулот олиб сотсак, имтиёزلардан маҳрум бўлишимиз мумкин эди. Энди эса бемалол

ўзимиз ишлаб чиқармайдиган маҳсулотларни бошқалардан сотиб олиб, экспорт қилсак бўлади.

“Khintex Group” тажрибаси

Андижон вилоятининг ишсизлик кўрсаткичи юқори бўлган Қўрғонтепа тумани иқтисодиётида “Khintex Group” тўқимачилик корхонасининг алоҳида ўрни бор. Зеро, корхонадаги 15 бўлимда 4000 дан зиёд иш ўрни мавжуд. Ўртача ойлик маош уч миллион сўмдан ортқ. Президентимиз расмийлигида ўтган йиғилиш натижалари мазкур корхонада ҳам атрофлича муҳомада қилинди. Хусусан, корхоналар қарздорлигини енгиллаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш, солиқ имтиёзлари ва кам фойзли кредитлар ажратиш орқали ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кластернинг молиявий соғломлаштириш ва ички захираларни самарали ишга солиш, экспорт ҳажминини ошириш, тайёр маҳсулот улушини қўпайтириш, сифат стандартларига қатъий риоя этиш ва халқаро бозорларда рақобатбардошлиқни мустақамлаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ушбу чора-тадбирлар тўқимачилик тармоғи учун стратегик йўналиш бўлиб хизмат қилади. Соҳа вакили сифатида биз ҳам мазкур талаб ва вазифаларни кластеримизда амалиётга жорий этишга жиддий киришганмиз. Айниқса, сифат назорати йўналиши

бу жараёнда асосий аҳамиятга эга. Корхоналаримизда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи — ип-калавадан маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараёнинг халқаро стандартларга мослигини назорат қилиш тизими ишлаб турибди, — дейди “Khintex Group” тўқимачилик корхонаси директорининг сифат назорати бўйича ўринбосари Феруза Содикова. — Айланма маблағни кам фойзли кредитлар орқали тўлдириш, солиқ имтиёзлари бериш ва молиявий соғломлаштириш дастурлари бизнинг кластерда ҳам янги имкониятларни очиб бермоқда. Натижада ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, маҳсулот турларини қўпайтириш ва энг муҳими, сифат назоратини янада яхшилаш имкониятига эга бўламиз. Аслида, бугунги имкониятлар Ўзбекистон тўқимачилигида янги босқични бошлаб беради, десак муболага бўлмайди. Яқинда пахта ингим-терими бошланади. Бу йилги ҳосилини ўз вақтида териблиш учун фермерларга пахтанинг ҳар тоннаси учун 1 миллион сўмдан субсидия берилиши пахта даласига эга кластерлар учун аини муддао бўлди. Энди корхоналар ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилади. Корхоналаримизни арзон хомашё билан таъминлаш мақсадида 2028 йил 1 январгача аралаш мато ва газлама божхона божидан озод этилгани ҳам тадбиркор учун жуда катта амалий ёрдамдир. Бир неча бўёқ корхонаси биргаликда сув тозалаш иншоотини қурса, харажатининг бир қисми Савдонни ривожлантириш компаниясидан қоплаб берилиши ҳам текстиль соҳаси тарихида бўлмаган янгилик. Юқори сифат, самарали бошқарув ва давлатнинг қўллаб-қувватлови уйғунлашганда тармоқнинг барқарор ривожланиши таъминланади. Зеро, “Khintex Group” тажрибаси ҳам шунини кўрсатмоқда. Шу маънода, бугунги ислохотлар ва белгилаб берилган йўналишлар нафақат кластеримиз, балки бутун тўқимачилик келажаги учун мустақам замин яратади. Соҳанинг эртасига ишончимиз ортгани боис, халқаро стандартларга асосланган фаолият орқали АҚШ бозорига киришга тайёрланаямиз.

“Khintex Group”нинг АҚШ бозорига кириши давлатимиз бюджетига ҳам улкан фойда келтиради. Чунки экспорт ҳажми қўпайиши орқали мамлакатимизга қўшимча валюта тушуми ошади, янги иш ўринлари очилади, тўқимачилик тармоғининг нуфузи ортиб боради. Кластернинг асосий мақсадларидан бири нуфузли GOTS сертификатини қўлга киритиш орқали дунё бозори эътиборини корхонага қаратишди. “Khintex Group”нинг маҳсулотларини халқаро стандартларга мос ишлаб чиқариш тажрибасини шу йўналишдаги бошқа корхоналарга ҳам намуна қилиш мумкин.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сурхондарёда транспорт ва логистика тизимининг самарали ишлаши нафақат вилоят, балки бутун республика учун муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, сўнгги йилларда вилоятда йўл инфратузилмасини яхшилаш, эски кўприкларни таъмирлаш ва давр талабларга жавоб берадиган йўллар барпо этиш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Ҳозир вилоятда 16 минг 47 километр автомобиль йўли бўлиб, шундан 2720 километри умумий фойдаланишдаги, қолган 13 минг 327 километри маҳаллий ҳокимликлар балансидаги минтақавий йўллардир.

Йўл таъмирлаш ёки янгидан қуриш фақат автомобиллар учун эмас. Бу ишлар ортида одамлар ҳаётини янада енгиллаштириш, қудалик турмушини яхшилаш каби муҳим мақсадлар ётади.

— 2017-2024 йилларда 6 минг километр автомобиль йўли, 89 та кўприк ва йўл ўтказгичда жами 2,8 триллион сўмлик қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилган. 2025 йилнинг январь-июль ойлари давомида 334,4 километр йўл қурилиши ва таъмирланган. Бундан ташқари, пиледалар ва йўл ўтказгичлар барпо этилди, — дейди Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Бақдор Ҳатамов.

Айниқса, чекка қишлоқларда реконструкция қилинган йўллар маҳаллий аҳоли учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Масалан, Шеробод гранит конига олиб борувчи ва Кампиртепа қишлоғи худудидан ўтган йўл таъмирталлаб эди. Ҳатто Шалқонсой устида кўприк йўқлиги боис, маҳаллий аҳоли кези келганда сув кечиб ўтишга мажбур бўларди. Бугун эса худуддаги сел йўлида кўприк бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун қарийб 5 миллион сўм йўналтирилди. — Кўприк қурилишида унга тушадиган юк босими, ўтказувчанлик қуввати, яроқлилик муддати пухта ҳисоблаб чиқилади. Кўприк қурилишига энг сифатли пўлат, бетон қўлланалишининг боиси ҳам шу. Ана шундай мураккаб талабларга қарамай, жорий йилда вилоятдаги авария ҳолатидаги кўприклар таъмирланиб, автомобиллар ўтиши учун тўлиқ яроқли ҳолатга келтирилди, — дейди бош муҳандис Фахриддин Ҳайдаров.

Бойсун туманида ҳам аҳоли учун қўлай ва хавфсиз транспорт инфратузилмасини



ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ инсон манфаати ва хавфсизлигига хизмат қилади

яратиш мақсадида кенг қўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Жорий йилга қадар тумандаги Хўжабулгон маҳалласи худудидан ўтган йўл бурама ва кўприк таъмирталлаб ахволда эди. Мазкур худудда 824,5 квадрат метрга тенг темир-бетон девор қурилди. Шунингдек, 23 погониметр тўртбурчак темир-бетон қувур ўрнатилди. Йўл тўғри шаклга келтирилиб, асфальт ётқизилди. Йўл чиққилари чизилди ва огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилди. Бу эса худудда сел хатарини камайтиради, сув оқимини тўғри йўналтириш ва йўлларни муҳофазалашга хизмат қилади. Муҳими, йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

Соҳадан озми-кўпми хабардор киши кўприк қуриш ва таъмирлаш анчагина машаққатли, мураккаб эканини яхши билади. Денов тумани Қизилжар маҳалласи худудидан ўтган сел йўлидаги кўприк ҳам кейинги йилларда таъмирталлаб бўлиб қолганди. Жами 2 миллион 232 миллион 900 минг сўм эвазига кўприк пиледа ўтиши учун ҳам мослаштирилиб қайтадан қурилди. Катта йўлга чиқши ва маҳаллага кириш йўллари асфальтланди.

Вилоятдаги 4К-588 автомобиль йўли Денов туманини узоқ Сина ҳақда Вахшвор қишлоғи билан боғлайди. Ушбу йўлнинг Сина маҳалласи худудидан ўтувчи 19,4 кило-

метр қисмидаги йирик кўприк сел туфайли шикастланган эди. Унинг қайта қурилиб, исхилоқинингнинг 34 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилгани ҳам тоғли худудлар инфратузилмаси яхшиланишига хизмат қилди. Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган мазкур қурилиш ишлари деновлик йўлсозлар томонидан қисқа муддатда амалга оширилди.

— Қишлоғимиз аҳолиси жуда хурсанд. Катта маблағ эвазига қурилган бу замонавий кўприк нафақат аҳоли учун қўлайлик яратиш, балки хавфсиз ҳаракатланишнинг таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди қишлоқ нуруониларидан бири Жамолдин Умаров.

Денов тумани марказида амалга оширилётган лойиҳа ҳам аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, инфратузилмани такомиллаштириш ва худуднинг транспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. Лойиҳага кўра умумий узунлиги 13 километр бўлган асосий йўл асфальт-бетон қилиниб, йўл бўйлаб замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бу тунда ҳам транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Лойиҳа доирасида худудда яшил белбоғлар яратиш, пиледалар ва велосипед йўлакларини барпо этиш ишлари ҳам давом этмоқда.

Вилоят марказидаги халқа йўлининг Термиз темир йўл станцияси ва Мангузар маҳалласини боғловчи қисмида ҳам йирик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Аввалги тор кўча кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди. Сув қочирishi тизимлари, ёритиш чироқлари, йўл белгилари йўналтирилиб, йўл чиққиларини чизиш тўлиқ ажунланди. Мазкур объектнинг ёнидан ўтувчи канал устида 3 та кўприк қурилди.

Вилоятда яна бир лойиҳа амалга оширилиши натижасида Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳини Султон Саодат мақбаралар мажмуаси билан боғлайдиган йўл 12 километр қисқарди. Узунлиги 3 километр бўлган мазкур янги объект вилоятда туризмни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Автомобиль йўлининг фойдаланишга яроқли ҳолатда сақлашнинг муҳим жиҳатларидан бири унга тушадиган юк ва ҳажм параметрлари талабига риоя этишидир. Бир сўз билан айтганда, агар ҳар бир квадрат метрга меъёрдан ортқ босим тушса, йўл чўқади, бузилади.

— Белгиланган меъёрдан кўп юк ортган ҳолда ҳаракатланиш автомобиль йўли бузилишига об-ҳаво ва бошқа табиий омиллар каби таъсир қилади. Шу боис, Сурхондарё вилоятидаги мавжуд йўллар бузилишининг

олдини олиш мақсадида Музработ туманида юк автомобиллари оғирлигини назорат қилувчи кўчма тарози ўрнатилган. Бу тарози транспорт воситаларига ортқча юк ортқлигини аниқлашда тақдирда белгиланган тартибда вазн барқарорлаштирилади, — дейди муҳандис Элмурод Мирзаев.

Истиклолимизнинг 34 йиллигига муносиб тўхфа сифатида Сурхондарёда амалга оширилган йўлсозлик, транспорт ва коммуникация лойиҳалари нафақат худудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, балки янги иш ўринлари яратиш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Илгари йўлларда носозлик пайдо бўлса, уни бартараф этиш учун узоқ вақт ва кўп оворагарчилик талаб этиларди. Ҳозир эса Сурхондарёда бу масалага бутунлай бошқача ёндашилмоқда. Яъни вилоятнинг 13 та худудда йўл бўлими ташкил этилди.

Термиз тумани “Йўллардан фойдаланиш кўчма тарози” давлат муассасаси жами 234 километр йўлга хизмат кўрсатади. Шундан 42 километр Термиз шаҳри худудига тўғри келади. Вилоятдаги 329-йўл бўлими учун янги бино қурилгани мазкур ташкилот ҳодимларининг меҳнат шaroитини яхшилаб, иш самарадорлигини оширади.

— Янги бинолар енгил йиғма конструкцияли, тез қуриладиган инновацион маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда қисқа муддатда барпо этилди. Улар барча техник талабларга, шунингдек, иссиқ ва совуқ иқлим шароитига мос келади. Ҳар бир йўл бўлимида ишчилар учун дам олиш хоналари, зарур шарт-шaroитлар яратилди. Қуёш панеллари орқали узлуқсиз электр таъминоти йўлга қўйилган, — дейди Термиз тумани “Йўллардан фойдаланиш корхонаси” ДМ директори Тождидин Тиллаев. — Айниқса, куз-қиш мавсумида музламаларга қарши қурашиш, йўллардаги носозликни ўз вақтида бартараф этиш ва аҳолига қўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади.

Йўл қурилиши кўп қатламли ва компонентли, катта маблағ талаб этадиган жараён. Қизирик туманида халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга салкам 1400 километр йўлни юк, йўловчи ташиш учун раво ҳолатга келтириш мақсадида йил бошидан буён қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жорий йилнинг олти ойида автомобиль йўлларини таъмирлаш учун қарийб 20 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Шу билан бирга, йўлсозлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида Қизирик туманидаги 338-йўл бўлимининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилиб, улар учун муносиб шaroит яратилди.

Сурхондарё вилоятда йўлсозлик ва логистика инфратузилмасини яхшилаш борасидаги бундай кенг қўламли ишлар худудларнинг иқтисодий ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифатига ҳам бевоусита ижобий таъсир қилади. Бандихон ва Қумқўрғон туманларида ҳам йўл бўлими учун фойдаланишга топширилган янги бинолар ишчи-ҳодимлар учун қўлай меҳнат шaroитини яратиш баробарида йўл инфратузилмасини янада такомиллаштиришга хизмат қилишни бошлади.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан Жарқўрғон, Шўрчи, Денов, Сарниёе, Узун, Олтинсой, Бойсун, Шеробод туманларида ҳам йўл бўлими учун янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чегара ва тоғли худудларда ҳам қурилган бундай бинолар йўлсозлар учун қишда иссиқ, ёзда эса салқин ва қўлай шaroитда фаолият юритиш ҳамда дам олиш имкониятини яратди. Бунёд этилаётган кўприклар, таъмирланаётган йўллар, ташкил этилаётган замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмалари чекка қишлоқлар билан марказлар ўртасидаги масофани яқинлаштирмоқда. Бу каби ишлар ортқдаги асосий мақсад эса инсон манфаати ва унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қўлай турмуш шaroитини яратишдир.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Абдуманно РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди судьяси

Мамлакатимиз бўйлаб мустақиллик байрами шукуҳи давом этмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз бу йил “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” эзгу ғояси асосида нишонланди. Миллий истиклолимизнинг шонли ўттиз тўрт йиллик байрами халқимиз ва давлатимиз ҳаётига тобора чуқур сингиб бораётган янги Ўзбекистон феномени дунёнинг илгор мамлакатлари томонидан эътироф этилаётган бир вақтда нишонлангани аҳамиятли.

Янги Ўзбекистон орзуси билан бошланган улкан ислохотларимиз тўғрисида янги замон руҳи кириб келди. Энг муҳими, одамлар буни ўз ҳаётида ҳис эта бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари муқаддимасида бундай сўзлар бор: “Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас. Мазкур ибора пайдо бўлганидан буён минг йиллар ўтди. Бу бутун қонинот, табиат ва башариёт доимий ўзгаришда, янгиланишда деганидир. Дарҳақиқат,



инсоният ҳам ана шу азалий қонуният асосида яшайди ва ҳаёт кечиради”.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси шунчаки хоҳиш-истак бўлмаган, балки давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёда тарихий тажрибаси, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, жонажон ватанимизни жаҳон майдонида қучли салоҳият, муносиб обрў-этиборга эга, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айлантириш истаги,

таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг асрий орзу-интилишидир.

Кейинги йилларда “Давлат — инсон учун” тамойили барча соҳалардаги ислохотларимизга бош мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, инсон ва унинг манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ислохотлар замирида, энг аввало, инсон ва уни улуғлаш ғояси устувор. Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асл моҳияти ҳам мана шунда.

Президентимиз “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” асарида бундай ёзади: “Биз учун Янги Ўзбекистон — ҳуқуқий, адолатли қонунлар амал қиладиган, мустақил судлар одил қарорлар чиқарадиган, Конституция ва қонун устуворлиги таъминланган давлат”.

Шу ўринда сўнгги йилларда Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда уни таъминлаш йўлидаги ислохотлар хусусида сўз юритишнинг лозим топдик. Чунки Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши халқимиз хоҳиш-иродасига биноан 2023 йил 30 апрель куни умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз ифодасини топди.

Мамлакатимиз қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принциплари ва нормаларига зид келиши мумкин эмас. Мазкур конституциявий норманинг ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг алоҳида ўрни бор.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Конституциявий суд мустақиллигининг дастлабки йилларида ташкил этилган бўлса-да, ўтган йиллардаги фаолияти, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни кўпроқ соя остида қолар эди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бўлган.

Бугун биз кейинги йилларда Конституциявий суд фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасидаги кенг кўламли ислохотлар ҳақида гапирмоқчимиз. Чунки фаолияти Конституция устуворлигини таъминлаш ва суд ҳокимиятининг алоҳида

ништириш ва ваколатларини тушунтириш зарурати билан бевосита боғлиқ. Чунки кўп ҳолларда фуқаролар Конституциявий судга ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашни сўраб мурожаат қилади. Бироқ Конституциявий суд уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита эмас, балки бевосита ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятидир. Аҳоли буни ҳар доим ҳам тўлиқ билмайди.

Айتمқчимизки, фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.



Айнан шунинг учун ҳам Конституциявий суд фаолияти ва унинг ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиш, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни тарғибот-ташвиқот қилишда аҳамияти катта.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан 2022 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган учрашувда “Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга тугилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилмоқда. Буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур суд бошқа судлардан фарқли ўлароқ, фақат Конституцияга бўйсунди ҳамда Асосий қонуннинг устуворлиги принципини таъминлайди”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Биз куйида кейинги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилган суд ислохотлари натижасида Конституциявий судга берилган муҳим ваколатларга тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзоланганга қадар — Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзоланганга қадар — Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш ваколати.

Дунё амалиётида “олдинги” ва “кейинги” конституциявий назорат институти мавжуд. Конституциявий кенгашлар ёки конституциявий назорат қўмиталари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинишидан олдин, аниқроғи, кучга кирмасдан туриб, уларнинг

конституциявийлиги ҳақида ҳулоса беради. Бунинг “олдинги” конституциявий назорат институтига мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киргандан кейин агар тегишли субъектлар томонидан уларнинг конституциявийлигини белгиланган тартибда текширишни сўраб Конституциявий судга мурожаат этилса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги иш кўрилиши “кейинги” конституциявий назорат институтига мисол бўлади.

Демак, Конституциявий судлар конституциявий назоратни “кейинги” шаклда амалга оширса, конституциявий кенгашлар ёки конституциявий назорат қўмиталари конституциявий назоратни “олдинги” шаклда амалга оширишга даъват қилинган.

Нима учун Конституциявий судга конституциявий назоратни “олдинги” шаклда амал-



қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорнинг (илоvasи билан) Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат қилди.

Конституциявий суд 2023 йил 13 мартда бўлиб ўтган мажлисида ишни очик суд мажлисида кўриб чиқиб, Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарори ва ушбу қарор иловаси лойиҳасини референдумга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деб топан. Бу Конституциявий суднинг референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса бериш ҳақидаги биринчи қарори эди.

Яна бир ваколат — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиш.

Албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган демократик давлат, очик ва адолатли жамиятни барпо этишда одил судловни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Одил судловни таъминлашда эса, аввало, Конституция ва унга мувофиқ қабул қилинган адолатли қонунлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қолаверса, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принциплари ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас.

Демак, муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиш ваколатининг Конституциявий судга берилиши, энг аввало, Конституцияга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини ўз вақтида аниқлаш, шунинг баробарида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга хизмат қилади. Шунингдек, судьялар фақат қонунга мувофиқ одил судловни амалга ошириши ва адолатли ҳукм чиқаришида муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ, конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили

Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунлиқнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш ваколатининг Конституциявий судга берилиши Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ва ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда ҳақли савол тугилади. Нима учун мамлакатдаги конституциявий қонунлиқнинг ҳолати тўғрисида ахборот айнан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади?

Бунинг сиёсий аҳамияти бор. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилиши, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафиллидир.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар иккиси ҳам халқдан тўғридан тўғри ваколат олади ва фақат халқ олдида ҳисобдор бўлади. Илгор демократик мамлакатларда ҳам шундай. Давлат ҳокимияти тизимида бошқа бундай олий вакиллик органи ҳам, олий мансабдор шахс ҳам йўқ.

Демак, бундай амалиёт, энг аввало, мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимияти бўлган Олий Мажлис ва давлат раҳбарининг мамлакатдаги конституциявий қонунлиқнинг ҳолати тўғрисида хабардор бўлишга хизмат қилади. Иккинчидан, Конституция устуворлиги ва унинг нормаларини амалиётга татбиқ этишга монелик қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бартараф этишга уларни қабул қилиш ҳуқуқига эга орган ёки мансабдор шахсларга тавсиялар берилади.

Оқоридагилардан ҳулоса қилиб айтганда, Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда амалга оширилган янгиланган янги Ўзбекистондаги ислохотлар то монандо ортага қайтмаслигини аққол тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари билан мақоламизга ҳулоса қилмоқчимиз: “Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят мураккаб шароитда бундай улкан ислохотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Ана шундай буюк бахт ва шараф барча-мизга ёр бўлсин!”.

Баҳодир Тўраев, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида муҳим аҳамиятга эга давлатлардан бири, шубҳасиз, Хитойдир. Бу жиҳат давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 31 август — 3 сентябрь кунлари ШХТ Давлат раҳбарли кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидagi саммити доирасидаги учрашув ҳамда мулоқотларида яққол исботини топди. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида маданий алоқалардан стратегик ҳамкорлик масалаларига муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Тошкент шаҳрида “Лу Бань устахонаси”ни очиш лойиҳаси ҳам шундай истикболли ташаббуслардан.

ХХР Раиси Си Цзиньпин 2013 йили логистика ва ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлашга мўлжалланган “Лу Бань устахоналари”ни дунё бўйлаб очиш ташаббусини илгари сурган эди. Ҳозир бундай устахоналар Европа, Осиё ва Африканинг 20 га яқин, хусусан, Буюк Британия, Португалия, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Жанубий Африка каби мамлакатларида очилган. Марка-

зий Осиёда эса Тожикистон ва Қозғистонда ташкил этилган.

Айни пайтда ушбу ташаббус Тошкент давлат транспорт университетига ҳам амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичида “Лу Бань устахонаси”нинг АТ илмий-амалий лабораторияси учун 304 минг долларлик 171 та замонавий лаборатория жиҳози ҳамда дастурий таъминот харид қилинди.

Бундан ташқари, 99 минг долларлик интеллектуал логистика ҳамда сунъий интеллект ўқув платформалари тақдим қилинди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Шунингдек, Марказий Осиёда ягона ЕРIP маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказ касб-хунар таълимида замонавий кўникмаларни шакллантириш, ёш авлод учун инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш билан бирга жаҳон андозалари асосида ресурслар, стандартлар

Ташаббус



“ЛУ БАНЬ УСТАХОНАСИ” Ундан нимани ўрганиш мумкин?

ишлаб чиқиш, таълим сифатини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш, ўқитувчиларнинг маъласини ошириш, академик алмашинув дастурларини ривожлантиришга хизмат қилади. Лабораторияда ахборот технологиялари ва дастурий инжиниринг бўйича таҳсил олаётган 1956 талабанинг АТ ҳамда робототехника, трансгесаравий электрон коммерция, сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича амалий кўникмалари шакллантирилмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида “Лу Бань устахонаси”нинг логистика бўйича илмий-амалий лабораторияси ҳам очилиши режалаштирилган. Бунинг учун 1,2 миллион долларлик лаборатория жиҳозлари харид қилинган. Енгил конструкцияли бино қурилиши тугаллангач, улар жорий йил якунига қадар ўрнатилади.

Логистика йўналиши бўйича таҳсил олаётган 1849 талабанинг “яшил” логистика ва рақамлаштириш, омборхона логистика жараёнини автоматлаштириш бўйича амалий кўникмаси шакллантирилади.

Бундан ташқари, “Лу Бань устахонаси”дан самарали фойдаланиш ҳамда Хитой ОТМла-

рининг илгор тажрибасини кенг жорий этиш мақсадида Тошкент давлат транспорт университетида Жануби-ғарбий Цзяотун ва Чанган университетлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон — Хитой қўшма факультети очилди. Унда транспорт, логистика, қурилиш ва инжиниринг йўналишлари бўйича 2025/2026 ўқув йилидан қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди. Ушбу дастур асосида Шанси провинцияси томонидан университетга умумий қиймати 1,8 миллион АҚШ доллари таълим гранти ажратилди.

Қолаверса, Гуангдонг телекоммуникация коллежи билан бирга автотранспорт муҳандислиги, техник хизмат ва водород технологиялари ихтисослашган BYD, Toyota, Chery каби йирик компаниялар кўмагида янги марказ ташкил этилиши режалаштирилган. Бу Ўзбекистоннинг олий техник таълим тизимида халқаро кўламдаги йирик трансформациянинг бошланғич сифатида эътироф этилиши мумкин.

“Лу Бань устахонаси”ни очиш лойиҳаси доирасида 15 талаба Хитойга ўқишга юборилди. Улар таълимни муваффақиятли тамомлади. Умуман, айни пайтда республикамизнинг 16 та олийгоҳида 2500 талаба

дастурий инжиниринг ва сунъий интеллект, 22 та олийгоҳида 3000 йигит-қиз транспорт ва логистика йўналишида тахсил олаётди.

Бугун дунё сийаштунчалари Ўзбекистон — Хитой муносабатларини кузатар экан, икки мамлакат тарихдаги энг яхши даврни бошдан кечирмоқда дея эътироф этапти. Ушбу алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда “Лу Бань устахонаси”да АТ, транспорт ва логистика бўйича илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тижорийлаштириш, илмий-инновацион экотизимни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Хитойнинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари — “China Energy International Group Central Asia Co”, “China Railway Tunnel Group Co”, “China road and bridge corporation”, “Trans-Asia Gas Pipeline” билан ҳамкорликда технопарк очилиши режалаштириляпти. “Лу Бань устахонаси” лойиҳаси доирасида магистратура талабалари ва профессор-ўқитувчиларни мунтазам Хитойга стажировкага юбориш, Ўзбекистоннинг 5 та олий ва 5 та профессионал таълим муассасасида турли йўналишлар бўйича бундай устахоналарни ташкил этиш каби ташаббуслар кўриб чиқилмоқда.

Муносабатларнинг бугунги юқори босқичи икки давлатнинг стратегик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги изчил ривожланиш нафақат мамлакатлар манфаатига, балки бутун минтақанинг барқарор тараққиётга хизмат қилмоқда.

6

2025 йил 9 сентябрь, 186-сон

www.yuz.uz

f

yuz.uznews

📍

yuz_official

📷

yuz.uz_news

📺

yuz.uz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Обод юрт манзумаси

Президентимиз ташаббуси билан уч йилдан буён халқимизга намоиш этиб келинаётган театрлаштирилган адабий-маърифий, шеърӣ-мусиқий “Ватан манзумаси” тадбирининг бу йилги дастури “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя остида ўтди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган мазкур адабий-маърифий тадбир Маданият ва Мудофаа вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги ҳамкорлигида тайёрланиб, аввал Тошкент шаҳридаги “Туркистон” санъат саройида беш кун намоиш этилди, сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар театрларида саҳнага қўйилиб, олқишларга сазовор бўлди.

“Ватан манзумаси” юртимизнинг давлатчилик тарихи, гуллаб-яшнаган салтанатли даврлари, она тупроғимизда туғилиб, камол топган алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган буюк кашфиётлари, ватанпарвар аждоҳларимиз ва доворак саркардаларимизнинг халқимиз оғзиданги учун курашлари, айни пайтда давлатимиз мустақиллиги йилларида эл-юртимиз тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган қаҳрамон ўғлонларимиз, қонинидаги мардлик, жасорат, орият ҳақида ҳикоя қилувчи шеърлар, ҳикматли сўзлар, монологлар, театр томошалари, видеолавҳалар, куй ва қўшиқлардан таркиб топган оммавий томоша асаридир. Унинг сценарийси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тайёрланган, саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хайдарали Қосимов. Бу асарнинг саҳнадаги ижрочилари шоирлар, театр актёрлари, артистлар, Мудофаа вазирлиги тизимидagi ансамбллар хонандалари, ҳарбий оркестр созандачлари бўлди. Саҳнада ўқилган шеърлар, ижро этилган куй-қўшиқлар, театр томошалари ва рақсларга мос равишда экранда намоиш этилган видеолавҳаларни Кинематография агентлиги суратга олган.

“Сен сондай саяли, қуяшли элсен”

Июль ойининг сўнгги ҳафтасида “Ватан манзумаси” иштирокчилари “Туркистон” санъат саройида тўпланиди. Бош режиссёр Хайдарали Қосимов Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди алоҳида таъкидланган вазифалар ҳақида гапирди, бир-икки кун репетиция бўлди.

Асосан, ватанпарварлик руҳи сингдирилган “Ватан манзумаси” театрлашган шеърӣ-мусиқий саҳна асарининг вилоятларга сафарбар этилган иштирокчилари юзга яқин ижодкор бўлиб, уларнинг тенг ярми мудофаа ва бошқа тизимлар хизматчилари, офицерлар ва аскарлардан иборат эди. Шунинг учун биз, юз кишилик жамоа ўзимизни Ватан ҳимоячилари сифатида тасаввур қилдик, ижодий раҳбаримиз Хайдарали Қосимовни сыйлаб, халқимиз тарихидаги ҳарбий ушбу билан “юзбоши” деб атадик. Юзбоши бошичилигида юз кишилик жамоа 30 июль кўни поездда Тошкентдан Нукусга жўнаб кетдик. Сафимизда Ўзбекистон давлат филармонияси санъаткорлари, Қуролли кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, ҳарбий тизимлар ансамбллари вакиллари, Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, “Турон” театри, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри, Сатира театрининг истеъдодли актёрлари ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ёш ижодкорлар бор эди.

Поезд йўлга тушди. Кетгунча дастурдан ташқари лирик чекиниш қилиб, бир-биримизга шеърлар ўқидик, доира чалиб қўшиқлар айтдик, ёш бахши Рамазон Бойқўчқоров дўмбрасини чертиб, “Алломиш” достонидадан парчалар ва термалар ижро этди. “Турон” театри актёри Асилбек Эшоновнинг Қўллон шеъри билан қуйлаган “Бинафша” қўшиғи барчани ром айлади.

“Ватан манзумаси”ни Қорақалпоғистон санъат саройида 31 июль кўни ижро этилиши мисли бўлмаган эди. Поезддан тушибок, жомадонларимизни меҳмонхонага жойлаштирдик, саҳнага чиқадиган кийимларимизни олиб, театрга ошқидик — боиси, машқ қилиб олишимиз лозим. Манзума муқаддимасида барча иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Давлат мадҳияси қўйилди. Сўнг Қорақалпоғистон Республикаси мадҳияси ҳам ижро этилиши керак эди. Хонандаларнинг аксарияти Нукусга биринчи бор келиши, қорақал-

поқ тилини билмайдди. Хайдарали Қосимов “Тезда Қорақалпоғистон мадҳиясини ўрганинлар”, деб топшириқ берди. Ҳамроҳларимиздан бири Ақилбек Қоразбеков Ибройим Юсупов сўзи, Нажимаддин Муҳаммединов мусикаси билан ижро этиладиган мадҳия матнини топиб, телеграм орқали телефонларимизга ташлаб берди.

Жайхун жавасинда ўскен байтерек, Теуви бир, шақаси минг болар демек, Сен сондай саяли, қуяшли элсен, Тинишлиқ ҳам иебал сендеги тилек.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг истеъдодли солисти, қорақалпоқ йигити Ўтемес Жуманиязов ўртага чиқиб, Қорақалпоғистон мадҳиясини қўлади, барча унга жўр бўлиб машқ қилди. 15-20 дақиқа ичнда ҳамма мадҳияни ёдлаб олди. Манзумада уни қойилмақом қилиб ижро этди. Жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ёшлар билан лиқ тўла зал завқу ҳаяжон ичра килпик қоқмай, мазмунан бой ва дилтортар “Ватан манзумаси”ни томоша қилди. Томошабинларнинг гулдўрос қарасқлари, “Раҳмет!”, “Браво!” деган хитоблар янгради.

“Сен фақат менинг бўл, меники, менинг...”

Юлдузлар осмондан тушиб, Дўстлик анҳори суварига чўмилаётган паллада автобусларга ўтириб, Хива шаҳрига йўл олди. Замонамизнинг муҳим ишшоотларидан бири — Қорақалпоғистон муҳим Хоразм йўлини яқин қилган, Амударё белида қурилган янги кўприқдан ўтдик. Тун ярмидан оққанда Хивага етиб келдик. Гўзал ва қадимий шаҳарнинг баланд ва сирли деворлари деразадан кўриниб турган меҳмонхонага жойлашдик.

Мадрасаси, Исломуҳжа минораси, Калтаминор обидаларини томоша қилиш учун Ичанқалъага кириб кетди. Биз, шоирлар гуруҳи афсонавий шаҳарга мафтун бўлиб, Ота дарвозадан чиқсак, остонада байрамоша ҳарбий мундир кийган оркестр дирижёр жўрлигида Хоразм лагисини ижро этмоқда, саёҳатчилар берилиб рақс тушмоқда экан. Бу созанда-лар “Ватан манзумаси” иштирокчилари экани бизни завқлантириб юборди. Биз ҳам рақсга тушидик. Мусиқа изидан мусиқа янгради. Навбатдан ташқари ушбу концерт дастури

Такрор айтилганда рангсиздир калом. Бу ёруғ оламда Ватан биттадир, Биттадир дунёда Она деган ном!

Уч йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан миллий адабиётимизда Ватан ва озолик қадр, ватан ҳимоячилари, ватанпарвар қаҳрамонлар таранум этилган, мардлик ва жасорат қўйилган шеърӣ ва насрий асарлар, кичик ҳикоялар, шеърлар, қўшиқлар “Мард аскарга тухфа” руқни остида нашр этиб келинмоқда. Ҳажми ихчам, гимнастёрка чўнтагига жойлашадиган, сафарларда ҳам олиб юриб, бемалол ўқиса бўладиган шаклдаги китоблар ичидаги асарлар аскарларни таъсирлантирадиган, ҳар қандай ҳолатда уларнинг жангавор руҳиятини кучайтирадиган эстетик хусусияти билан ажралиб туради.

Бу йил “Бобомерос туғиғу”, “Аскар онаси” ҳикоялар тўпламлари, “Ота макон”, “Ватанини ҳар кимга ишониб бўлмас”, “Меҳринг билан яшаймиз, Ватан”, “Олимпиада илҳомлари”, “Эр йигит юртидан кечмайди” шеърлар тўпламлари, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Армия ва тарбия” достон ва шеърлар китоби “Мард аскарга совға” лойиҳаси асосида нашр этилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг Ватан ҳимояси, тинчликни асраш бугунги кунда барчамизнинг муқаддас бурчимиз экани ҳақиқат қуйидаги даъваткор фикрлари бизни ҳамisha бедорлик ва огоҳликка чорлаб туради:

“Бугунги ниҳоятда мураккаб ва таҳликали давр олдимида янги-янги синов ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Лекин ҳаёт қанчалик машаққатли бўлмасин, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил давом эттириб, халқимизни рози қилишга, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Қуролли Кучларимизнинг замонавий курул-яроғ ва техника билан таъминлаш, уларнинг жангавор ва маънавий салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам улкан эътибор қаратамиз.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид юрагидан тошиб чиққан ушбу оташин мисралар “Мард аскарга совға” китоблар жамланмасига кирган асарларнинг ҳам, ушбу асарларни ўқиган аскарларнинг ҳам, уни саҳнада “Ватан манзумаси” дастурида ижро этган ёш шоирлар ва хонандаларнинг ҳам қалб амрига айланди деган эътироф айна ҳақиқатдир.

“Ватан манзумаси” адабий-маърифий дастурининг яна бир ўзига хос ибратли жиҳати шундан иборат бўлдики, “Мард аскарга совға” лойиҳаси асосида нашр этилган китоблар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шоирлар томонидан саҳнада тантанали равишда мард аскарларга совға қилинди.

“Бундай адабий-маърифий дастурни ҳали кўрмагандим”

“Ватан манзумаси”нинг водийга сафари ҳам муваффақиятли ўтди. Ўзи театрга ишлайдиган, санъат ва мусиқани нозик тушунадиган режиссёрлардан бири Хайдарали Қосимовга ҳайратини ихзор этиб, манзумага юксак баҳо берибди:

— Сценарий мукамал ишланган. Шеърлар, мусиқалар, қўшиқлар, театрлашган саҳналар юксак дид ва бадиий ғоя билан танланган. Ҳар бир чиқиш бир-бирига шундай чамбарчас боғланганки, яхлит бир саҳна асарига айланибди. Ватан ҳақидаги бундай адабий-маърифий дастурни ҳали кўрганим йўқ эди. Сизларга раҳмат!

Залда томошабин бўлиб ўтириш, асардан завқланиш бошқача. Лекин ҳақиқий ҳаёт саҳна орқасида бўлар экан. “Кун иссиқ. Бир вилоятдан иккинчи вилоятгача бўлган олис йўл ҳоритади. Баъзан ярим кечаси меҳмонхонага етиб келасиз. Юз кишини хоналарга жойлаштиришнинг ўзи бўлмайди. Эртаси кун саҳнага чиқадиган артистлар дам олиши, ювиниб-тараниши, томошага мос кийим алмаштириши керак. Терлаб-пишиб кийим алмаштирилади. Биз, шоирлар-ку бир мартагина кийим алмаштириб, костюм-шимимизни кийиб оламиз. Лекин икки, уч, баъзан тўрт марта саҳнага чиқадиган актёрлар, раққосаларнинг мос либосини кийишга улгуриш учун югурганини кўрсангиз. Шунча ҳаракаатдан сўнг ролга кириши керак. Грим қилиш, раққосаларнинг сочларини тўғрилашга, узун ўрим жингалак кокилларини ўришга, “жадидлар”га соқол-мўйлов ёпиштиришга анча-мунча вақт кетаркан. Либосчи, гримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Йигитлар қоп-қоп либосларни у саҳнадан бор саҳнага, у автобусдан бор автобусга ташибди.

Хуллас, ҳаммасини уддаладик. Томошалар зўр чиқди.

Бойсун йўлидаги мушоира

Атоқли шоир Мирзо Кенжабек “Бир юз саксоним” деб таърифлаб, жўшқин шеър бағишлаган Тошкент — Термиз поездида ўтирганнимизда тун чўккан бўлса-да, ҳаво ҳарорати ҳали пайсаманган эди. Туни билан йўл юриб, эртасига соат ўн бирларда манзилга етиб борилади. Пляцкарт вагон, қўлчиликка “баковой” ўриндан жой теккан. Жой тор бўлса ҳам кўнгли кенг, гурунглашиб, йўлнинг танобини тортидик.

Борган кунимиз Термиз маданият марказида тадбирини ўтказдик. Йўл узоқ бўлгани учун кун ботмасдан автобусларга ўтириб, “Каердасан, Қарши?” деб йўлга равона бўлдик. Шерободдан ўтгач, тоқ йўли бошланди. Кета-кетгунча Ватан манзаралари кўзни қувонтиради. Йўл тугамасди. Ватанининг бепоёнлиги ҳайратлантиради. Ватанининг нақадар буюклигини ҳис қиламиз. Ғурурланамиз, шундай гўзал, бетакорор, кенг ва бепоён Ватанимиз бор.

Замонавий автобус текис ва равои йўлда олға елади. Ўнг томон тоғ, чап томон қоялар. Қуёш ботаётган паллада тоғлар янада жозибали кўринади. Бир вақтлар мана шу довод орқали қорақалпоқ элининг фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Бахтиёр Генжа-мурод билан Сариевга келган эдик. Илк бор тоғларни, юксак қояларни кўрган дашт боласи ниҳоятда завқланди, ранг-баранг мадданларга бой қоятошларни кўриб: “Мана бу қип-қизил тошларни қара. Худди тоғнинг териси шилиниб, эти қип-қизил қонаб ётганга ўхшайди...”, деганди.

“Ватан манзумаси” тараннуми юртимизнинг барча вилоятлари бўйлаб баланд янгради. Минг-минглаб юртдошларимизнинг юрагига завқу шавқ уйғотди, ватанпарварлик туйғуларини жўштирди, уларнинг шуурида Ватанга дахлдорлик, халқимиз мустақиллиги ва тинчлигини асраб-авайлаш ҳақидаги қарорларни мустаҳкамлади. “Ватан манзумаси”нинг овозаси телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали дунёга таралди.

Ушбу тадбирда “Мард аскарга совға” қилинган китобларни чегараларда, турли ҳудудларда кечая кундуз бедор ва огоҳ хизмат қилаётган аскарларимиз ёш чўнтақларидан олиб юриб мутлола қиялати. Она Ватанимиз мадҳ этилган, Ватан қаҳрамонлари шарафланган шеърлар ва ҳикояларни ёд олиб, курулдош дўстларига айниб беряпти.

“Ватан манзумаси” ибрат бўлди, Ватанини севиш ва ардоқлаш сабоғи бўлди.

Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун буудани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946.

34830 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов

Мусахҳис: Акбар Қаршиев

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 03:12 Топширилди — 03:15

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун буудани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946.

34830 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов

Мусахҳис: Акбар Қаршиев

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 03:12 Топширилди — 03:15